

Оқил телба



06:00 / 14.07.2022 5538

Бир кимсанинг "Ақлли одам излаяпман, муаммо чиқиб қолди. Ундан маслаҳат олмоқчи эдим", деб сўраётганини эшитган бир киши унга:

"Бизнинг шаҳарда ўзини телбаликка солиб юрган бир киши бор. Таёқни от қилиб минади, болалар билан ўйнайди. Энг оқил одам шу. У телба қиёфасига кирган олим бир кишидир", деди. Бу гапни эшиттан ҳалиги киши ўша шаҳарга кетди. Сўрай-сўрай телба" ни топди:

- Эй "от" минган одам. Бир дақиқага "от"ингни бу ёққа ҳайда, деб чақирди. Телба югуриб келди:

- Тезроқ гапир "От"им жуда асов, тепади.

- Уйланмоқчи эдим. Қандай қизни танлаганим маъқул? Телба бундай деди:

- Дунёда уч хил аёл бор. Бири дард, иккинчиси меҳнат, учинчиси зийнат. Биринчиси сенга асло ёр бўлмас. Иккинчисининг ярми сеники, ярми сендан айри қолади. Учинчиси эса сенга вафоли бўлади.

- Тўхта, шошма, Худо хайрингни берсин! Шунини яхшилаб тушунтир! Бу уч турли аёллар кимлар?

Телба "от"ининг "жилови"ни тортиб, бундай жавоб берди:

– Биринчиси, болали бева хотиндир. Эътиборини биринчи эридан бўлмиш фарзандига қаратади. Хаёли боласи билан эрида бўлади. Иккинчиси боласиз бева хотин. Ярми сеники, ярми олдинги эриникидир. Учинчиси бокира қиз. У тамомила сенга мулк бўлади.

Телба буларни айтгандан кейин "от"ини ниқтаб болалар орасига кетаётган эди. Ҳалиги одам уни тўхтатиб: Эй улуғ инсон! Яна бир саволим бор. Жавоб бер, сўнгра кетасан, деди.

– Нима дейсан? Вақтим зиқ. Болалар билан ўйинга кечикяпман.

– Бу қадар ақл-фаросат эгаси экансан. Нега ўзингни телбаликка солиб юрибсан?

Қари олим шундай жавоб берди:

– Ҳоким мени шаҳарга қози қилмоқчи. Рад этдим, қабул қилмадилар. Сендан оқилроғини тополмаймиз, дедилар. Шунинг учун ўзимни телба, девона кўрсатяпман. Қозилиқдан кўра телбалик афзалдир.

“Маснавийдан ҳикоятлар” китобидан